# ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИ АРХЕОЛОГИК ЎРГАНИШНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧЛАРИ ВА ДАВРЛАШТИРИШДАГИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

**З.О.Рахманов**

*Мақолада Фарғона водийсини археологик ўрганишнинг дастлабки босқичлари таҳлил қилинган, бундаги айрим методологик камчиликлар кўрсатиб берилган. Шунингдек, археологик мажмуаларни даврлаштириш масаласидаги турлича қарашлар танқидий ўрганилиб, бу ишни амалга ошириш шартлари ҳақида фикр билдирилган.*

***Калит сўзлар:*** *Фарғона водийси, пахса, хом ғишт, гувалак, археологик қазишма, қурум, мугхона, тош қўрғонлар, чорвадорлар маданияти, деҳқон жамоалари, археологик услуб, суғориш тизими, Чуст маданияти, Эйлатон маданияти, Шурабашат даври, Марҳамат даври.*

*В статье освещен ранний этап археологических исследований Ферганской долины, показаны отдельные методологические просчеты. Критически рассмотрены разные взгляды по вопросам периодизации археологических комплексов, указаны условия решения данной научной проблемы.*

***Ключевые слова:*** *Ферганская долина, пахса, сырцовый кирпич, гуваляк, археологические раскопки, курум, мугхона, каменный курган, скотоводческая культура, земледельческая община, археологический метод, ирригационная система, Чустская культура, Эйлатанская культура, Шурабашатский период, Мархаматский период.*

*The article describes the earliest stage of archeological investigations in the Fergana Valley and shows some methodological shortcomings in this process. It also crticises different viewpoints on the issues of periodization of archeological complexes and it shows the the conditions of settlement of this scientific problem.*

***Key words:*** *Fergana Valley, pahsa, unripened brick, guvala, archaeological find, kurum, mughona, stone burial mound, stock-raising culture, farming community, archaeological method, irrigation system, Chust culture, Eylatan culture, Shurabashat period, Marhamat period.*

---

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг тарих фанининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида ўзбек давлатчилиги тарихини холис, объектив ўрганиш масаласи кун тартибига қўйилди [1.*5*]. Шу асосда юртимизнинг қадимги даври тарихи ва маданиятини ўрганишга кенг йўл очилди. Ўрганилиши долзарб бўлган йирик этномаданий ҳудудлардан бири Фарғона водийси бўлиб, унинг археологик ёдгорликларини янги тадқиқотлар асосида ўрганиш тарих ва археология фани учун алоҳида аҳамият касб этади. Чунки манзилгоҳлар археологияда асосий манбалардан саналиб, жамият тараққиётининг даражаси, этник хусусиятлари, этник ва маданий алоқалари тўғрисида қимматли ҳамда ишончли маълумотлар беради.

Фарғона водийси археологик ёдгорликлари тўғрисида дастлабки маълумотлар табиатшунос ва ўлкашунос олимлар томонидан ёзиб қолдирилган [2.126-148]. Улар орасида, айниқса, турли соҳаларга қизиқадиган синчков олим А.П.Федченко археологлар тушуниб етмаган қадимги обидаларнинг шаҳар ва қўрғонлар ўрни эканини биринчилардан бўлиб фарқлай олди. У шаҳар харобаларининг уст қатламлари остидан ёмғир сувлари таъсирида юзага чиқиб қолган бир нечта тангани, шунингдек, тепаликларда дарвоза ўрни экани билиниб турган ботиқ ерларни кўргандан кейин, “бундай тепалар қачонлардир одамлар яшаган жой бўлиши керак”, деган хулосага келган эди [3.8]. Россия империяси Туркистонни босиб олгандан сўнг бу ерларни ҳар жиҳатдан ўрганиш ва қимматли маълумотлар тўплаш мақсадида турли соҳа вакиллари қатори тарихчи олимларни ҳам ўлкага жўната бошлади. Фарғона водийси археологик ёдгорликларини ўрганиш учун асосий номзод сифатида шарқшунос-тарихчи Н.И.Веселовский танланган бўлиб, у Наманган вилоятидаги Тўйтепа ва Чорлоқтепа, Пунук манзилгоҳларида, Чодак, Чуст ҳудудларида, Ахсикент, Косон ва Ўзган шаҳар харобаларида, шунингдек, Ўш ҳудудларида археологик қазишмалар ўтказиши керак бўлган [3.23-25]. Н.И.Веселовскийнинг Фарғона водийсига юборилишига яна бир сабаб ўша вақтда Оқсув қишлоғида маҳаллий аҳоли томонидан “қурум”, ёки “мугхона” деб аталувчи тошдан ясалган қурилмаларнинг топилгани эди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Н.И.Веселовский йирик шарқшунос олим бўлиб, археологик қазишмалар олиб боришни деярли билмаган. Шу билан бирга, у даврда ҳали археологик ёдгорликларни қазиш услублари махсус ишлаб чиқилмагани, айниқса, Ўрта Осиё шароитида архитектура обида-

лари мутлақо тупроқдан – яъни пахса, хом ғишт, гувалакдан қурилгани, харобага айланган пахса уй билан гувалакдан тикланган уйни фарқлашнинг қийинлиги олимни чалкаштирган бўлса керак. Шу сабабли ҳам Фарғона ҳудудида олиб борган археологик изланишлари унинг ўзини ҳам қониқтирмаган [3.31]. Шунга қарамай, Ўрта Осиё кўчманчилари маданиятини ўрганишда Н.И.Веселовскийнинг Фарғона водийсига қилган саёҳати муҳим аҳамиятга эга. У ўзининг 1885 йилдаги тўрт ойлик сафари давомида юздан ортиқ қурум-мугхоналарни тадқиқ этиб, тўрт жойдаги 30 га яқин тош қўрғонларни текширган ва биринчи бўлиб бу жойларнинг қадимги қабристон эканини аниқлаган эди [4.46-47].

Шунингдек, фарғонашунос олим А.Анорбоев маълумот беришича, Н.И.Веселовский Фарғона водийсининг энг йирик археологик ёдгорликларидан бири ҳисобланувчи Ахсикент харобаларида ҳам қазишма ишларини олиб борган [5.11-12]. Аммо Н.И.Веселовский археолог сифатида ушбу ёдгорлик ва Шимолий Фарғонанинг қурум ва мугхоналаридаги қазишмалари услубий жиҳатдан паст даражада ўтказилган. Шундай бўлса-да, археология фанининг XIX аср охири – XX аср бошларидаги тараққиёти шу даражада қолоқ эдики, олимни қазишмаларни услубий жиҳатдан тўғри олиб бормагани учун “айбдор” сифатида танқид қилиш нотўғри бўлади.

Фарғонанинг қадимги чорвадорлар маданиятини тўғри талқин қилган ҳолда ўрганиш борасида ўтган асрнинг 70-90-йилларида анча самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан, бу йўналишдаги тадқиқотларни ўз даври учун якунига етказиб, қониқарли даражадаги хулосалар чиқаришга муваффақ бўлган археолог С.Баратов бўлди. У Шимолий Фарғонанинг тоғли ва тоғолди ҳудудларидаги мугхоналарни милоддан аввалги минг йиллик ўрталари ва милоднинг бошларига оид чорвадорлар қолдирган иншоотлар эканини асослаб берди [6.3,16-18].

XX асрнинг 30-40-йилларидан Фарғона водийсининг археологик ўрганилиши тарихида янги давр бошланган бўлиб, унинг асосий хусусиятларидан бири археологик манбаларни тўғри тушуниш, улардан тўғри тарихий хулосалар чиқариш бошлангани билан характерланади.

Бу давр йирик фарғонашунос олимлари – Б.А.Латинин ва Т.Г.Оболдуеваларнинг Фарғона водийси деҳқон жамоалари маданиятини эндигина ўрганишни бошлаган вақтига тўғри келади [7.109-170; 8.7-40]. Айниқса, Б.А.Латинин Марказий Осиёнинг табиий-иқлимий шароитидан келиб чиқиб, бу ерда деҳқончилик маданиятининг бошланиши ва тараққиёти тўласича суғориш тизими билан боғлиқ эканини тушуниб етган. Шунинг учун ҳам у умрининг охирига қадар суғориш тарихи ва унинг ривожланиш босқичларини даврлаштириш масалалари билан шуғулланди [9].

Б.А.Латинин водийдаги деҳқончилик маданиятининг илк босқичларини даврлаштиришга ҳаракат қилган дастлабки олимлардан бири бўлиб, у учта катта – Фарғона I, Фарғона II ва Фарғона III даврларини ажратиб, ҳар бир даврни ички босқичларга бўлишга ҳаракат қилди.

Б.А.Латинин Фарғона I/1 (ФI/1) даврига илк чуст маданияти даври (мил. авв. II минг йилликдан мил. авв. VIII асргача бўлган даврни қамраб олади ҳамда чуст маданиятига тегишли Чуст ва Далварзин ёдгорликлари) киришини қайд этади.

Фарғона I/2 (ФI/2) мил. авв. VII-IV асрларга оид деб тахмин қилиниб, унга Эйлатон ёдгорлигининг қуйи қатламлари, Кўғай қишлоғидаги ёдгорликнинг қуйи қатламлари ҳамда Оқтом қабристони материаллари киради.

Фарғона I/3 (ФI/3) мил. авв. IV-III асрлар билан даврланади. Бу даврга Катта Фарғона каналининг 8- ва 9-участкаларидан топилган қўлда ясалган ва устидан рангли нақш берилган кулолчилик буюмлари киради. Б.А.Латинингa кўра, Фарғона I даврининг ҳар учала босқичи материаллари ҳам ибтидоий давр тарихига оид.

Фарғона II (ФII/1) мил. авв. III-II асрларга оид бўлиб, унга Катта Фарғона каналининг 8- ва 9-участкаларидан топилган қизил ангоб билан қопланган сопол идишлар киради. Таъкидлаш керакки, Фарғонада қизил ангоб қопланган идишларнинг тарқалиши билан боғлиқ даврлаштириш муаммолари муҳокамаси ҳали охиригача ўз ечимини топганича йўқ. Бу турдаги идишлар тарқалишининг энг қуйи ва сўнгги даврларини белгилаш масаласида ягона стратиграфик иш амалга оширилмаган. Фақатгина Н.Г.Горбунова бу муаммога муносабат билдириб, қизил ангоб билан қопланган чархда ясалган идишларни милодий II-VI асрлар билан даврлаштиришни таклиф этган [10.*85*]. Фикримизча, бу масалага янада аниқлик киритиш учун Фарғона водийсининг бир қанча ёдгорликларида янги, тизимли микростратиграфик қазишмалар амалага ошириш лозим.

Б.А.Латинин Фарғона II (ФII/2) даврига мил. авв. I - милоднинг I асрларини киритади. Бу давр комплексларига Исфара, Бузилмас ва унинг атрофидаги чорвадор аҳолига оид кичик ёдгорликлар киради.

Фарғона II (ФII/3)га милоднинг II-IV аср қатламлари кириб, унга Кўғай тепалигининг юқори қатламлари ва Мунчоқтепанинг исломгача бўлган I-қатлами мансубдир.

Фарғона III (ФIII) милоднинг V-VIII асрларига оид қатламлар бўлиб, бу даврга Қизилёр, Қалаиболо ёдгорлигининг юқори қатламлари, Исфаранинг устида қўрғони бўлмаган мозорлари, Бекободга

яқин ердаги Мунчоқтепа, Қуюлтепанинг юқори қатламлари киради. Б.А.Латинин бу давр тўғрисида умумий хулоса чиқариб, жамият илк феодализм даврига тааллуқли эканини ёзади [11.17].

Кейинроқ Б.А.Латинин Фарғона I даври маданиятларининг юқорида келтирилган ички бўлинишини шартли равишда бошқача номлашни таклиф этиб, ФI/1 ни “Чуст босқичи”, ФI/2 ни “Эйлатон-оқтом”, ФI/3 ни “Бурғулуқ”, яъни маданиятлар номи билан белгилаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди [7.166-167]. Бу ўринда Б.А.Латинин таклиф этган Ф I/2 нинг “Эйлатон-оқтом” деб номланиши Н.Г.Горбунова тадқиқотларига асосланган ҳолда амалга ошган десак, хато бўлмайди [12.23].

Яна бир бор эслатамизки, XIX аср охири – XX аср бошларидаги археологик изланишларда археологик ёдгорликларни қазиш ва улардан тарихий хулосалар чиқариш усулларидаги камчиликлар дастлабки археологик қазишмаларни амалга ошириш ва илмий ўрганишда хатоликлар мавжуд. Шунга қарамай, Фарғона водийси тарихини ўрганишнинг илк босқичларидаёқ Б.А.Латинин каби иқтидорли олимлар водий археологиясини суғориш тизимлари ва тарихий-маданий жараёнлар асосида даврлаштириш бўйича илмий ҳақиқатга яқин хулосаларни чиқариш имкониятига эга бўлдилар. Айнан Б.А.Латинин Фарғона водийси археологиясида биринчи бўлиб даврлаштиришда ёдгорлик қатламларининг вертикал бирин-кетинлиги катта роль ўйнашига эътибор қаратди.

Фарғона водийси археологиясида даврлаштириш масаласига қўл урган олимлардан яна бири А.Н.Бернштамдир. У ўз тадқиқотларида нафақат Фарғона, балки Марказий Тяньшань ва Помир-Олойнинг тарихий-маданий ҳудудлари маданиятларини ҳам даврлаштиришга ҳаракат қилди. Унинг тадқиқотлари ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Фарғона водийсини ўрганишдаги кейинги тадқиқотлар А.Н.Бернштамнинг шогирди Ю.А.Заднепровский номи билан боғлиқ бўлиб, у водийнинг бронза давридан илк ўрта асрларгача бўлган тарихини даврлаштирди. У Фарғона водийсининг қадимги даврини “Чуст маданияти”, “Эйлатон маданияти”, “Шурабашат даври”, “Марҳамат даври” каби даврларга бўлди [14.11,108,116]. Аммо бу даврлаштириш, фикримизча, “горизонтал” бўлиб, ҳар қайси ёдгорлик алоҳида давр ҳисобланади, ёдгорликларнинг ички хронологияси эса ҳал қилинмаганича қолади. Ю.А.Заднепровский ёдгорликларнинг қуйи қатлами билан юқори қатламлари ўртасидаги фарқни ажратиб кўрсатмаганга ўхшайди. Шунинг учун чуст маданияти билан эйлатон маданияти ва эйлатон маданияти билан шурабашат даври археологик комплекслари ўртасида боғлиқлик йўқлиги кўриниб туради. Чунки ёдгорлик қатламларидаги материаллар стратиграфик жиҳатдан тўғри олинмаган, таҳлилга услубий жиҳатдан бир оз нотўғри ёндашилган.

Бу ҳолатни сезган Н.Г.Горбунова Ю.А.Заднепровский изланишларидаги етарли даражада ишончли бўлмаган жойлар, камчиликларни кўрсатди [15.*52-56*; 16.*23-46*]. Масалан, шурабашат археологик комплекси дейилганда, Ю.А.Заднепровский Ўзган яқинидаги бутун бошли йирик археологик ёдгорлик – Шурабашат ёдгорлигидан олинган комплексларни тушунади. Аммо бу комплексда эйлатон-оқтом маданиятига хос қўлда ясалиб, устидан нақш берилган сопол идишлар билан бирга, қизил ангобли, устидан сайқал берилган идишлар ҳам учрайди. Ю.А.Заднепровский бу маданиятни тўрт босқичга ажратгани ҳолда, биринчи учта босқични “қадимги” давр, тўртинчи босқичини “ўрта асрлар” билан даврлаштиради [14.138].

Бизнинг фикримизча ҳам, Ю.А.Заднепровскийнинг асосий хатоси қазишмалар олиб бориш усулида. Чунки қазишмалар даврида ёдгорликнинг турли қатламларидан олинган археологик материалларни, шу жумладан, кулолчилик буюмларини қатламма-қатлам ажратиб олган тақдирдагина, ўша ёдгорликдаги археологик комплексларнинг бирин-кетин келиши ва умумий стратиграфик ҳолатини тўғри тушуниш мумкин.

Шурабашат босқичи даврини аниқлаштириш масаласига қирғизистонлик археолог П.П.Говрюшенконинг Кулунчак ёдгорлигида аниқ стратиграфик қазишмалар олиб боргани туфайли бир оз ойдинлик киритилди. Жумладан, Н.Г.Горбунова П.П.Говрюшенконинг аниқ стратиграфик материаллар олганини таъкидлайди ва бу материалларнинг бирин-кетинлигига ҳам эътироз билдирмайди [15.53]. Аммо Н.Г.Горбунова бу материаллар ҳақида П.П.Говрюшенконинг кичик мақоласи [17.72-74] ва номзодлик диссертацияси авторефератидан [18.8] билган холос. Аслида, П.П.Говрюшенко Кулунчак ёдгорлигида жуда катта археологик изланишлар олиб бориб, натижаларини номзодлик диссертациясида тўлиқ ёритиб берган.

Афсуски, Фарғонанинг қадимги давр қатламлари, айниқса, эйлатон-оқтом маданияти, шурабашат даври, марҳамат даврларининг бошланиши ва тугашига аниқлик киритган тадқиқотлар деярли йўқ. Бу масалага Г.П.Иванов ҳам эътибор қаратиб, Фарғонанинг археологик маданиятлари борасида янги фикрларни берди. Унинг тадқиқотлари Ю.А.Заднепровкий ишларида бирин-кетин келадиган Эйлатон-оқтом ва Шурабашат маданиятлари [14.170] орасидаги босқичлар таҳлилига аниқлик киритишга қаратилган бўлиб, олим бу маданиятлар бирин-кетин эмас, балки параллел равишда бир вақтда ривожланганини таъкидлаган [19.19].

Кейинги йилларда фарғонашунос олимлар томонидан водий археологик маданиятларининг

алоҳида босқичларини даврлаштириш таклиф этилмоқда. Фарғона водийсининг илк ўрта асрларга оид археологик маданиятларини даврлаштириш масаласига эътибор қаратган олимлардан бири Б.Х.Матбобоев бўлиб, у ўзидан олдин даврлаштириш борасида амалга оширилган ишларни таҳлил қилган ва умумлаштирган ҳолда янги жадвал таклиф этди [20.13]. Бу эса Фарғона водийси археологияси муаммоларини ўрганиш янги босқичга кўтарилгани ҳамда бу борада анча самарали тадқиқотлар амалга оширилаётганини кўрсатмоқда.

Нима бўлган тақдирда ҳам, Фарғона водийси археологик маданиятларини даврлаштириш борасидаги амалий ишлар ва илмий тадқиқотлар ўз даври учун етарли даражада амалга оширилди. Ўйлаймизки, келажакда бу археологик комплексларнинг абсолют даврларини аниқлаш ва маданиятларнинг бошланиши билан тугаган вақтини аниқлаш учун аниқ стратиграфик қазишмалар олиб бориш зарур.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998. – 31 б.

2. Магидович И.П., Магидович В.И. Очерки по истории географических открытий. Географические открытия и исследования нового времени (XIX – начало XX в.). т. IV. – М.: Просвещение, 1985. – 335 стр.

3. Шишкин В.А. К истории археологического изучения Самарканда и его окрестностей // Сборник Афрасиаб, вып. I. – Т.: Фан, 1969.- С. 3-121.

4. Лунин Б.В. Средняя Азия в научном наследии отечественного востоковедения. – Т.: Фан, 1979. – 184 стр.

5. Анарбаев А. Ахсикет – столица древней Ферганы. – Т.: Tafakkur, 2013. – 535 стр.

6. Баратов С. Культура скотоводов Северной Ферганы в древности и раннем средневековье (по материалам курумов и мугхона) // Автореферат дисс… канд. ист. наук. – Самарканд.: 1991. – 24 с.

7. Латынин Б.А. Некоторые итоги работ Ферганской экспедиции 1934 г. // АСГЭ, №3. – Л., 1961.- С. 109-170.

8. Оболдуева Т.Г. Отчет о работе первого отряда археологической экспедиции на строительстве БФК // Труды ИИА, том 4. – Т.: Изд-во Ан РУз, 1951.- С. 7-40.

9. Латынин Б.А. Вопросы истории ирригации и орошаемого земледелия древней Ферганы. Обобщающий доклад по работам представленным как диссертация на соискание ученой степени доктора исторических наук. – Л., 1962.

10. Горбунова Н.Г. О датировке Ферганской керамики с красным ангобом // КСИА.- Вып. №122.- 1970.- С. 81-85.

11. Латынин Б.А. Вопросы истории ирригации древней Ферганы // КСИА.- Вып. №64.- 1956.- С. 15-22.

12. Горбунова Н.Г. Итоги исследования археологических памятников Ферганской области (к истории культуры Ферганы) // СА.- 1979.- №3. – С. 16-34.

13. Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // МИА.- №26. – 346 с.

14. Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. - №118. – 328 с.

15. Горбунова Н.Г. К вопросу о датировке комплексов с шурабашатской керамикой в Фергане // АСГЭ.- Вып. №18. – 1977.- С.52-56.

16. Горбунова Н.Г. Кугайско-Карабулакская культура Ферганы // СА.- 1983.- №3. – С. 23-46.

17. Гаврюшенко П.П. О хронологической классификации керамики Кулунчакского поселения. // Известия АН Киргизской ССР, – Фрунзе.- 1969.- №2.- С. 72-74.

18. Гаврюшенко П.П. Кулунчакское укрепленное поселение. Автореф. дисс... канд. ист. наук. – Т., 1970. – 28 с.

19. Иванов Г.П. Археологические культуры Ферганы (периодизация и синхронизация) // Автореф дисс ... канд. истор. наук. – Самарканд. 1999. – 25 с.

20. Б.Х.Матбабаев. К истории культуры Ферганы в эпоху раннего средневековья (по материалам погребальных и городских памятников). – Т.: Tafakkur, 2009. – 176 с.

*Фарғона давлат университети,*
*2016 йил 8 январда қабул қилинган*
*(Тақризчи: проф. М.Исомиддинов)*